

ТУРСУН АЛИ

ТУН ТОВУЦИИ

Шеърлар ва драматик достон

ЧАГПОН
ТОШЕЕНТ

Мұхаррір
Азатам Іктам

Түрсүц Али — сокин табиатшығ үйчап күйчиси сипатида танилған шоирлардан. Үзгіннег хазин түйгулары, ёруғ хәбіларини табиат манзараларига үйгүн тарзда тасвирлайды. Шу бойынша ушинш шеърлариде фикр түйғу ва манзара қоришиң қолда намоён бұлади. Замонавий ва халықола охандар Түрсүн Али шеърларида үзгача жаранглайды. Құлпигиздеги бу китобга шу руҳдагы шеърлар жамланды.

Т $\frac{4703620202 - 10}{360(04) - 93}$ қўш. 93

ISBN 5—8250—0356—8

© Т. Али, 1993.



* * * .

**Үтди қишининг аччиқ күнлари,
 Туркистоннинг бағрида наврұз.
 Қалбларни гуллатар әнді баҳор.
 Ох, бу күнларни Чүлпон, Қодирий күрсайди...
 Күнглижда уйғонар армон қушлари.**

* * *

Рауф Парфиаг

Кечада... Барканидан ойни қора булутлар аждари ютар Қари дараҳтниң қупоргудай унга шамолининг залворли құллари чант солар. Шу кез дараҳт иойига жүссаси кичик, құзлари толғын ишесін келди. Үннег лаблары нималарниңидир пичирлар. У балки худодан шамол тишишини, дараҳтниң омон қолининиң сұраётгандыр. У балки дараҳтдан папоҳ излаётгандыр. Ахир уннег юниң кийпмемлариниң кучайиб бораётгай ёмғир шалаббо этган. Шамол оч бўридай увиллар. Ёмғир кучаяр...

* * *

Ой мунча шурсиз? Ёниб тугаган оловиниг юзин күл босатап янглиг хира. Бир сўзиниг писида вужудим ёимоқдадир чирсиллаб. Ой бўлса сўник құзлариниң қайгадыр тикикап. Хей ой, кел, ёлворамап. Ёнаётган вужудимдан олтин алана. Сўнг ёрит, дунёиниг зулмат кечаларни. Ёриг најкотга зор инсонларниң қоронги кулбаларини. Ёрит қай бир инсонларниң кўнгилларини. Эй ой, менниг бир сўз илинида борлигим ёмоқда ловуллаб.

1 ИЮЛЬ, 1992 ЙИЛ

Езиниг қайноқ кунларида мен сенин йўқотдим. Қуёнига қарайману ёнаётган қуёш қаринисида жуижикиб кетаман. Йўёнига қарайман кўзларим косаси лиммо-лим тўла илтижо ила. Қуёш бўлса ёмоқда оқ алана сочиб дунёга. Руҳим кенгликларига эса қор ёмоқда. Бунча совуқ бўлмаса кунлар?..

ИЛТИЖО

Чори Леваз хотирасига

1

Шарқираган сой соҳилида ёлгиз дарахт,
Илдиzlарни ялайди оқ ёлли тўлқинлар.
Зангир сочларини юлгай шамоллар.
Оҳ, жуда ҳам оғир унинг қисмати,
Оллоҳим, узингсан ёлгиз суюнга тоги.

2

Куз. Номозиом. Осмон деңгизида
Қатор кемалардай сузади турналар.
Оҳ, улар сафида бор эди
Менга таниш ярадор туфна.
Ўзинг мадад бергии унга, худойим.

3

Унинг феъли оғир эди,
Ҳаёти ҳам оғир кечди.
Оғир утди ўлимни ҳам
Эй парвардигор, сендан сурайман,
Енгил кечсин у дунёси.

4

Менинг оқ отимни
миниб қочди тумап.
Арзимни айтдим анавиларга,
бироқ, тингламади улар
Эй раббим, ўзингдан бошқа кимим бор?..

* * *

Мен қүшмами?
 Ўзим ҳам билмайман.
 Ухлайман,
 уйғониб кетаман.
 Қарайман атрофга:
 Қора бахмал оғушидаман.
 Ухлайман,
 уйғониб кетаман
 Ӣигинтириб олмас, кундуз
 қора пардасин.
 Ухлайман,
 Үйғониб кетаман
 Сабримдан-да узун тунлар.

ТУПГИ ТОВУШЛАР

I

Кўзларимга бермас уйқу,
 Юрагимнинг деворига урилар қаттиқ,
 Туннинг қоп-қора товуши.

II

Тун бўйи тинмади итлар ҳуриши,
 Оҳ, бу товушлар тунни эмас,
 Фажиди менинг чап қўксимни.

III

Тун... Үйготиб юборар мени,
 Деразам ортидан ўтиб бораётган
 Ойпинг оёқ товушлари.

IV

Тунлар юрагимга солар ваҳима
 Бойўглининг сайраши.
 Даражатзор эса ҳали ям-яшил.

Болаликниң бедор товушлари

туркум

* * *

Болалигим кечган күча, уни ёқалаб ариқ оқади. Ариқ-нинг лабида осмон билан сирлашаштап да, сернүстлоқ сервискор жийда тебранур... Ўралар сувларни ютгани каби, у жиийдани йиллар ютиб кетди. Букун ўша жиийдайдай кексайиб бормоқда умрим дараҳти. Бу узун умрим ичра, ўшал жиийдадай дараҳтни кўрмадим сира. Букун тушларимга ажоддларим эккан ўша жиийда киради. О, бунчалар яқин, бунчалар ойдин болалигим ўлкасидағи жиийда.

* * *

Бу күн хаёлнимниң ям-яшил диёрида,
Күёшни оничлаб келаман дея
Уфқ әари қапот қилиб қўлларин,
Чашитиб турироқли кўчани
Ялашгоёқ чопиб борар болалигим.

* * *

Туплари қулогум остида
Ҳаиқириб уйготар уйқудан,
Болалигимниң безавол товуши.

* * *

Тушимда бир қушчани кўрдим
Шовуллаган терак шохида
Ўйпар эди озод ва эркин.
Саҳар пайти ёдимга тушди
Олис болалигим, Қува боғлари.

ГАМАЗОН

Рўза... Оқшом қора чиммат тортганда,
 Қишлоқ болалари аста йигилиб.
 Кўмиб кўчаларни шовқин-суронга,
 «Рамазон» айтардик, завқларга тўлиб.

Эсимдан чиқмайди, кўзим ўнгидан
 Қанотлари ёпиқ нақшин дарвоза.
 Биз ўжар болалар унинг тагида
 «Рамазон» айтардик баланд овоз-ла

Бир маҳал шарақлаб эшик занжири,
 Қўзлари чақмоқдек баҳайбат одам,
 «Рўза-ю, рамазон ман қилинган», деб,
 Бизни қува кетди ўшқириб шу дам.

Ўша кун уйларга тарқалдик маъюс,
 Бадқовоқ одамдан кўнглимиз яра.
 Отамиздан билсак у экан «фирқа»,
 Унинг иш жойи ҳам катта идора.

Йилларнинг занжири чўзилиб уаун,
 Қишлоққа боргандим, қаранг, у одам,
 Энди болаларга танбеҳ берарди;
 «Рўза тут, ўқигин намозингни ҳам».

Гарчи замон ўзга, ўй босар мени,
 Қалбим энтиклирар галати туйғу.
 Агарда яна терс айланса бу чарх,
 Не деркан әртага болаларга у.

* * *

Тупроқли күчанинг икки бетида
 Сағ тортиб ўсарди тераклар, толлар.
 Шохида қувнарди ўт болалигим,
 Соясида давра қуарди чоллар.

Яироқлар овози уйғотди бир кун
 Мактабга бошлади сердараҳт күча.
 Йаша яироқларниң сөхрли саси
 Рұхимга шеър бўлиб кўчди бир кечада.

Мени йироқларга олиб кетди шеър,
 Тингладим турфа хил күйлар, оҳанглар.
 Гузал мусиқалар, нағис товушлар
 Бу кун қулогимда майин жараплар.

Лекин вужудими тарқ этмас сира,
 Ўйчан кўзларимдан учмас акслари.
 Қулогим остида жараплақ турад
 Болалик дарахгин хазиц саслари...

* * *

Киплоқда кесаю ёилар йигилиб,
 Сумалак қиласарди келса ҳар баҳор.
 Биз болалар бўлса чониб, йиқлиб.
 Атрофда ўйпардик зерикмай зинҳор.

Еғочдан қопиқлар ясаб хушчақчақ,
 Сумалак ялардик пишмайин ҳали.
 Шамолдай билмасдик нелигин чарчоқ,
 Ёнаётган олов эдик бамисли.

Ўша кун бизларга отинча оий
 Қалин бир китобни ўқиди ўнгдан.
 Муҳаммад пайғамбар кимлигин билдик,
 Мусулмон дунёсин уқдик биз ундан.

«Қуръон» деб аталмиш китобдан у чок
 Нелигин англадик дўзах, жаннатниш.
 Тушундик нелигин савобу гуноҳ,
 Тушундик китобдап иззат-ҳурматни.

Букун кезаркапман ёруғ дунёни,
 Кўнглимни ёритар ҳузурбахш офтоб.
 Не замон ўтса-да отинча оий
 Қулогим остида ўқийди китоб.

ҚОРАБАЙИР

Бола әдим, шұх ўйинқароқ,
Олиб келди отам бир тойчоқ.

Мен тойчоқни суюб ўша шом,
«Қорабайир» дея қўйдим ном.

Қорабайир кўркам от бўлди.
Туёқлари қувватга тўлди.

Қишлоқ болалари эҳ, қувноқ,
Эрта-ю кеч чопардик улоқ.

Қорабайир елдай еларди,
Мен улоқда голиб қелардим.

Бир кун отам мени эрқалаб,
—Юр, мактабга,—деди эрталаб...

...Мен мактабдан уйга энтикиб
Келган әдим тойга қўз тикиб.

Кўринмасди ҳовлида тойчоқ,
Тизгини-чи, бир четда бироқ...

Үйда меҳмон — серсавлат одам,
Гўшт пинширас энтикиб отам.

Қўз ўнгимда бу ёруғ дунё,
Қуёшидан ажралди гўё...

Тушларимга ҳануз кирап жим
Қорабайир—шұх болалигим.

ОҚТОЙ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Бир итим бор эди, эслайман ҳамон...
 Олиб келган эди бизларга уни
 Отамниң тенгүри тоглик бир чўпон—
 Кўзи очилмаган қучукча эди.
 Қўлларимдап овқат ерди беҳадик,
 Қайга борсам елар эди ортимдан.
 Бизлар бирга ўйнаб, бирга қувнардик,
 Баъзан мен чопардим унинг ортидан.
 Оқтой бир ит бўлди, оёги узун,
 Ёп, чайир тавдаси қувватга тўлди.
 Аммо қўчамида кимлардир у кун
 Қалблари ҳасадга лиммо-лим бўлди.
 Ҳовлимизда озод юрар эди у,
 Запжир солмас эдик сира бўйнига.
 Оқтой ҳеч кимсани қопмас эди-ю,
 Бироқ йўлатмасди ўзгани уйга.
 Бир кеча эсимда, ҳурди у узоқ,
 Зириллади ҳатто деразалар ҳам.
 Бир зум ўтмай тинди овози, бироқ
 Юрагимни эзиб ув тортди бирам.
 Шопиб борган эдим Оқтой олдига,
 Менга бокар эди кўзлари маъюс.
 Тун бағрига кирди кимдир қорайиб,
 Билмадим ким эди... (Билмайман ҳануз).
 Шу кеча ҳовлида улиди Оқтой
 Тоғларга термулди, кўзларида мунг.
 Ё ёдига тушган у туғилган жой,
 Ё бўри кўринигап кўзига унинг...
 Тоғда дарак берди таниш йўловчи
 Тоғ йўлида Оқтой ўлиб ётганин.
 Игна қўшилган нон деди лунжида,
 Ва айтди изида қонлар қотганин.
 Гоҳи узун тунлар бағрим ингранар,
 Қўзимга кўринар Оқтой дамо-дам.
 Менинг ҳам руҳимга санчар игналар
 Қора тун бағрига сингигац одам...

БОЛА, АСКАР, КЕЛИНЧАК ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Болалик йилларим...
 Бизнинг тор кўчага
 ҳарбий кийимда
 Кўзлари қоп-қора
 буғдойранг аскар келди.
 У ўғриликка тушган одамдай
 негадир чўчиб,
 иёманниб,
 атрофга аланглаб.
 Мени имлаб:
 — Биласанми,— деб сўради,—
 Лола опанг уйини?
 — Қўшнимиз Ҳанифа холанинг келини,— дея
 кўрсатдим зангор дарвозами.
 Шунда аскар юзлари
 қизарди анор каби.
 Чақнаб кўзлари,
 ненидир шивирлаб олди лаблари...
 Сўнг у қалтироқ қўлларини
 қўйиб елкамга
 Хат яшириб қўйнимга,
 Синиқ товушла:
 — Бериб қўйгин,—деди,—
 Лола опангни ёлгиз ўзига.
 Мен бўлса, нимадандир қувониб
 хатни гулдай авайлаб,
 Тутдим Лола опам қўлига.
 У хатни олган дам
 Ўқиб, кўзларига суртиб,
 йиглади ўқсиб-ўқсиб.
 Сўнгра қучоқлаб мени,
 ўпиб юзларимдан,
 кўзларимдан,
 Сўради овози титраб:
 — У кетдимикин?
 Элтасанип хат ёзиб берсам,— дея
 Кўзларимга тикилди илтижо ила.

Ўша кундан меп,
 аскар акали
 ва чиройли опали булиб қолдим.
 Энди ҳар кун келинчак опам уйида
 Упинг сепларига,
 йўқ, сепларига эмас,
 Чаросдай қоп-қора кўзларига,
 Қирқокил соchlарига,
 уаун-уауз киприкларига,
 Атлас кўйлакларига боқиб тўймасдим,
 кетмасдим кошидан.
 Бир оқшом,
 чиқмайди эсимдап сира,
 Яна учратдим менга юлдуз бергай акамни.
 У мени қучиб, эркалаб:
 — Опангни чақиргин,— деди-да,
 Ўзи бўлса кетди дала томон...
 О, ўша кун улар,
 қари тутлар панасида
 шивирлашди узоқ...
 Ўшанда келинчакнинг елкаси,
 негадир титради дид-дир.
 Кипригига тизилди мунчоқ-мунчоқ ёш.
 Мен чидолмай
 келинчак йигиларига,
 Уларни тарк этиб,
 Ўйга чопиб,
 бурканиб олдим кўрпага...
 Эрталаб кўз очсам,
 Қўшнимиз Ҳанифа холанинг
 Учар эди ҳовлимиз узра овози:
 — Ер юткур келиним қочибди
 шаҳарлик бола билан,— дея
 койирди, қарғарди Лола опами.
 О, ўшанда илк бор
 қулоқларим шашфиллаб,
 сирқираб кетди юрагим,
 Илк бор босди вужудимпи титроқ,
 Негадир, бурканиб кўриага
 йиғладим узоқ...
 Йиллар ўтди,
 бўй чўздим
 юксак оразуларининг беланчагида.
 Бироқ, учратмадим боғиқа,
 Қўппнимиз келинчаги Лола опами.

БЕРКИНМАЧОҚ

Юлдузларнинг кирсиз нурига чўмиб,
Бизлар беркинмачоқ ўйнардик бетиپ.
Беркинардик пахса девор ортига,
Беркинардик дараҳт панасига жим.

У дамлар излардик бир-биrimizни
Ой ёгдуларида энтикиб, чопиб.
Севинч тўлқинлари юракка сифмай
Қай бир бурчаклардан келардик топиб.

О, гарчи бугун ҳам йиллар барида
Ҳамон ўйнаяпмиз биз беркинмачоқ.
Бirimiz беркиндик амал курсига,
Birimiz кимнипгdir пишига бу чоқ.

Яна қай биттамиз яшаймиз сокин
Ишрат хонасига беркиниб обдон.
Бirimizни эса юҳодек ютиб,
Замин ўз домига яширган чупон.

Буқун беркинмачоқ ўйнаган йиллар —
Лирилиқ ханжари бағрим поралар.
Агар қайтолсайдим болаликка мен,
Топардим албатта Сизни, жўралар.

ВАТАН

Кўзларимнинг нурида,
 Пахтадай бокира хаёлларимда,
 Юрагимнишг қатърида,
 Мұҳаббатимнинг соғ осмонида
 Сен борсан, Ватан!

ҚҰВА

Уч тарафи — пахта,
 Тўртиинчи томонда ястангап адир—
 Этаклари узра гуркираб бедор
 Иболи қизларни,
 Гулгун юзларни
 Офтобдан яширап апораор.

* * *

Құва боғларида
 апорлар гуллади алвон-алвон.
 Мусоғирлик күчасида
 Менинг ҳам багрим анорзор каби
 гуллади қип-қизил.



Бир кун багрингизга слиб бораман,
Хей, менинг қон ютган анорзорларим.
Софинч ўтларида бу кун ёнаман,
Эй сиз, дийдоримга интизорларим,
Бир кун багрингизга елиб бораман.

Анорзор боғларим, билмайсиз сизлар,
Менинг ҳам фироқда багрим лахта қон.
Ўзимни отганман тирик ўтларга
Бир кун қайтмасам бас, безабон, бежон.
Хей, менинг қон ютган анорзорларим.



Майсазор сўқмоқдан бораман ёниб,
Далага сингаман нурдай бетовуши.
Елларда ўйпайди соchlарим тўэиб,
Бинафша атридан бўламан сархуш.

Қирларнинг пойига тўшалган кенглик,
Ўйнар, эркаланар кўксимда сабо.
Барқут майсаларнинг шифобахш ҳиди
Зориққан руҳимга бўлади даво.

КҮНИНИГ УМРИ

1. БОМДОД

Хұроалар құноқда қичқирап,
Қүйлар құзиб-қузиб маърайди.
Фийқилаб дарвоза очилар,
Мудроқ ит әриниб қарайди.

Елкада чақнагап кетмони,
Белига бойланғап тушлик—нон.
Етаклаб қариган сигирни
Даласига кетмоқда деҳқон.

Қуёш ҳам, ҳув, узоқ-узоқда
Күмуш сочларини ёйгайдыр.
Әнди куни бүйи қишлоқда
Оқ яқтакли кундуз толгайдыр.

2. ПЕШИН

Офтоб тик туар терақ учиды,
Ғұза яироқлари боқар анграйиб.
Дараҳтлар соясин тиқиб пинжига,
Пойига қарайды маъюс, мунгайиб.

Бир гала чумчуқлар ариқ бүйида
Қанотин ювишар чүчиб, ийманниб.
«Бугунги иссек ҳам айни тобида».
Яқтакли бобожон қўяр жилмайиб.

Шийпон қўйни тўла киз-жувонларга,
Турфа хил гурунглар бошланар бу дам.
Ялангоч болалар полапонлардай,
Толгин оналарга тармашар маҳкам.

Узоқларда эшак ҳанграйди вазмин,
Бир сигир уватда туар қантариқ.
Қайдапдир шабада қўзгалар майин,
Ором оғушига шўнгийди борлиқ...

3. АСР

Қүёш ҳам қашлоқдан кетди олислаб,
Куча бўйларида итлар олар тин.
Сочлари қиркокил қизчалар аста
Райхонли ҳовлисин супурар сокин.

Намозиомгуллар-чи карпайиш очар,
Иссиқнинг тафти-да туигайдир бир оз.
Нуроний боболар, мунис момолар
Қиблага қаратиб ёзар жойпамоз.

4. ШОМ

Қуёп алапгадай қизариб, ёниб
Уфқининг қўйпига вужудин отар.
Сарпойчанг бир бола чақнаб, қувониб
Сигирип етаклаб даладан қайтар.

Қатакка эрилиб кирап товуқлар,
Чол номоз ўқишга қолади шошиб.
Гавжум дарахтларнинг қўйни қораяр,
Осмон юлдузларип юборар сочиб.

Мудраган кўчани уйғотиб аста,
Пахтазордан қайтар қизлар, жувонлар.
Сўнгра додлангап ёғ пси анқийди,
Тандирга ёнилар ой каби понлар.

Иссиқ нон ҳидини туйиб, суюниб
Тунги ҳовлисига киради деҳқон.
Бир нафас бўлса-да катта супада,
Гангир-гунгирларга тўлар дастурхон.

5. ХУФТОИ

Пашиахоналарнинг пақ тепасига
Узун кишрикларин қадаб ўтар ой.
Гижинглаган тойчоқ — ариқ тўла сув
Чопар далаларга бағишилаб чирой.

Қовун ҳидларини таратиб еллар
Қиплоқ огушида кезинар бетин.
Пахтазордан қайтган дехқон уҳ тортиб,
Бод чалган оёгин уқалар секин.

Ранги синиқ аёл йўталар бўгиқ,
Захри қотил касри бўлса, оҳ, не тонг.
Іҳоп-қора лиbosга бурканган борлиқ,
Қўшлар қанотида ҳали ухлар тонг.

* * *

Тўкилганда ойдан ёғдулар
Яшнаб кетар улкан дараҳтзор.
Оппоқ нурга чўмилиб сувлар
Далаларга кирад беозор.

Тўкилганда ойдан ёғдулар
Симиради майса-гиёҳлар.
Буғдоизорлар сокин шовуллар,
Олисларни бўйлар қиёқлар.

Тўкилганда ойдан ёғдулар
Заррин либос кияди осмон,
Фақат сукут кўксини тиглаб
Тиним билмай чақнайди кетмон.

ТЕРИМЧИ ҚИЗЛАР

Юлдузлар кўз юммай, уйгонар
қишлоқнинг теримчи қизлари.
Шудрингли далага йул олар
тонг нурига чайиб юзларин.

Юлдузлар қулганда самода
даладан қайтишар ҳоришиб.
Чарчоқлик кезади вужудда,
юзлари чангларга қоришиб.

Оппоқ хаёлларга беланиб,
ётишар кутганча эртани.
Қиплоқ қизларининг тушига
Киради девларнинг маскани...

ТУРСУН АЛИ

* * *

Эй, уфқларга туташ, бийдай далалар,
Бугун багрингизда қаҳратон ҳоким.
Ничогин санчади қора совуқлар,
Кўксингиз сирқирав оғриқдан балким.

Эй, уфқларга туташ, бийдай далалар,
Бошингизга ёгар, ёгар сўнгсиз қор.
Гарчи қишидир бугун, толеипгизда
Бордир сизни излаб келгувчи Баҳор.

* * *

Эй, бепоён сахро,
Севаман сенинг
бешик-бешик бархапларингни.
Кўзларимни қуюнларга тўлдирган
довулларингни...
Зотан бағрингда
қофияга,
вазига,
Оҳангга солинмаган
Сирли қушиқлар бор
Хофизини кутган!

* * *

Ота, Сизнинг қанотингизда ўсдим:
 Вояга стиб, танидим ақл.
 Ва лекин бугун менинг қисматим
 Қушларга қиёс.
 Мени етаклаб кетди орзулар.
 Олис, сершовқин шаҳар...
 Қузатганингиз ҳамон ёдимда:
 — Қайда юрсанг ҳам омон бўл,— дея
 Қолди кўзларингиз бўзлаб.
 Дилингизда менга айтилмагал сўзлар:
 — Балки опаси бўлганда тирик
 Тўнғичим кетмасди,— дёя кузларингизда хаёл...
 Балки нолирсиз:
 — Менга,
 укаларига,
 қишлоғига ҳам
 Меҳр йўқ, дея, уғлим қалбида.
 Ота,
 Тетапоя мисраларимда қайтаётир
 Сизга,
 укаларимга,
 қишлоғимга юрагим...

УКАМДАШ ХАТ

Ака, бу йил режа тўлмади,
ишласак-да тагин зиёдроқ,
Даламиизда пахта бўлмади,
Баҳору ёз тинмадик, бироқ...

Ёмғирлар ҳам тинди, тинмадик,
еллар тинди,
тинмадик бизлар.
Қайноқ-ўтли кунлар ишладик,
тун... ишладик, гувоҳ юлдузлар.

Қорлар кечдик,
кечдик тупроқ, лой,
даламиизга меҳр сўнмади.
Ҳар гўзани сўйдик эринмай,
бироқ,
бу йил режа тўлмади.

Пахта экдик ҳар қарич ерга
пенсонадан оқиб теримиз.
Чарчамадик пахтадан, аммо
чарчаб қолди она-Еримиз.

Ака, отам соchlари қаби,
оқарган-ку, Она-ер кўкси.
Балки шундан пахта булмади,
юрагимиз эзилди ўксиб...

Ака, бу йил режа тўлмади...

УРУШ

Уруш — кишоларда эмас,
 Китобларда эмас,
 Олисларга термулиб қолган
 Қари қўзларда.
 Ҳоргин қўлтиқтаёқларда.
 Фалтак ипларидай узун хаёлларда.

Менинг чақиоқ қўзларимда,
 Йорагимнинг томирларида,
 Гупураётган қопимда
 Урушга қарши .
 Ҳар лаҳза — уруш.

* * *

•
Улкан боғнинг
 дарахтлари ям-яшил.
 Учиб келиб олислардан
 унга қўнар,
 меваларин чўқир,
 Турфа хил,
 турфа раиг қушлар.
 Улкан боғнинг
 оқ яктакли бөгбонин эса,
 милтиги йўқ қўлларида...

МЕН ТУГИЛГАП ҚИШЛОҚ ВА ҮГАЙ ОНА ҲАҚИДА ШЕТЬР

Илонизи күчанинг
 Ҳар гардин суртамаң күзимга.
 Қариб қолган толларни
 Севаман шеърият каби.
 Зоташ, шохларида
 болалигим осилиб,
 қиқирлаб турибди.

Мана бу ариқпиниг лабларида
 Оёқларим излари —
 Ўчмас түйгулар бўлиб қолган.
 Анов дарвазанинг тутқичи
 Озган қўлларимниңг қушишларидан.

Мана бу кўз тикиб турган остона
 онамишинг жасадин қақшаб ва титраб
 қабристонга узатиб қўйган,
 кўз ёшларга чўмилган ҳовли,
 болалигим қўйнида йўргаклаб,
 ардоқлаб,
 авайлаб.

Катта қилган хоналар...
 Биламан мени согиниб,
 Щртаниб турар бағри...

...Бироқ мен энди бу кўчада юрмасман,
 Даражтлар ёнига бормасман.
 Ариқ бўйидаги майсалар
 Энди улмайди товоналаримни:
 Юрмасман кулгимни сочиб ҳовлига.

Ахир бу кучада,
 бу хонадопда
 Анчадан бери:
 — Ҳой, етимча,
 Бормагин дедим-ку мактабга,
 Нима ҳам буларди оташг тоングани.

Бунчалар бўлмасанг ўжар, қулоксиз,
Цуллаб кел қатиқни.
Нуллагин думбулни.
Япа мук тупдингми китобга.
Сенинг ниятинг бошқа.
Дилинг,
йўлипг бошқа.
Ол-да китобингни,
йўқол қўзимдан,— дея
қаҳрипи,
заҳрини сочган,
Имон, виждопини сотган,
бир бегона аёл яшар.
Мен эса,
у билан чиқишолмасман...

ОНАМ ҚАБРИДАГИ МАЙСАЛАР

I

Онамниңг қабрида унгаң майсалар,
Мен сизниң күксимга босаман сүйиб.
Энтикиб кетади куюк юрагим,
Сизларда онамниңг ҳидларин туюб.

Онамниңг қабрида унгаң майсалар,
Бир сирни сўрасам, келмасин малол.
Бошингизни силаб онам қўллари
Үйқудан уйғотган сизни, эҳтимол...

Онамниңг қабрида унгаң майсалар,
Мен сизниң күксимга босаман сүйиб.
Энтикиб кетади куюк юрагим,
Сизларда онамниңг ҳидларин туюб.

II

Тонгда борсам онам қабринга,
Пиғлаётир майсалар юм-юм.
Оҳ, майсалар билан мен бирга
Кўз ёш тўқдим—тўлиб юрагим.

Майсаларниңг тушларига ҳам
Опажоним киргаң, эҳтимол.
Келолмайниңг сўнг ҳушларига
Йиглашгандир мен каби беҳол.

Куҳна қабр устида абад
Ўсаётган эгик майсалар.
Огоҳ этинг мени ҳам албат
Онам сизга бир гап айтсалар.

III

*Одам бўлдимми женам?..
Миртемир*

Онажон,
чўкиб қолган қабрингизда
майсалар унди.
Мелинг изларимни
вақтинг шамоллари кумди.
Онажон,
Ўзга қабрлар
қад ростлаб,
тун кийди мармардан.
Атрофида турфа гуллар
шох ёзи улкан дараҳтлар.
Онажон,
Сизнинг чўккан қабрингиз қошида
Чўкиб қолди менинг ҳам руҳим.
чўкиди қора булатлар багримга,
кипргимга қўнди юлдузлар...

IV

Овлоқ қиплоқ.
Дала оғушида қабристон,
унда бир уй бор,
деворлари тупроқдан.
Ўша уй қошига гоҳ
борганимда тўлиб юрагим,
кўзларимнинг тахир сувини
нураган деворларига тўкиб қайтурман.
Овлоқ қишлоқ.
Дала оғушида қабристон,
унда бир уй бор...

V

Сиз кўзларимга тикилаб дердингиз:
«Болам, улгайсанг,
Елгизликнинг қўлларига ташлаб мени,
Улкан шаҳарларга кетиб қолмайсанми?»
Мен ҳали меҳрингиз сувига қонмай,
мен рапгин дунёни танимай ҳали
Болаликнинг хилват кўчаларига ташлаб
мени,
Ўзингиз қайларга кетдингиз, Онажон?!

ОТАМ ВАФОТИ

Мотамсаро аёл сочига ухшаб,
 Қаригап токларнинг хурпайган барги.
 Анорлар ўсади бетартиб, шохлаб,
 Кетмон четда турар кетмасдан запти.

Ер исқаб Олапар чўзиб увлайди,
 Кўзлариپ сатҳпда сизади шабпам.
 Депсишиб қўрада қўйлар маъраиди.
 Содирмай қўйди-ку оғзиги сигир ҳам.

Ховли этагида кафтдай бедазор
 Сўлған сувсиалиқдан ранги сарғайиб.
 Оҳ, отажон, ҳали «ийл»ингиз ўтмай
 Наҳотки уйимиз қолди мунғайиб...

ОТАМ ҚАБРИ БОШИДА

Қабригиз бошига келдим йўл босиб,
 Бупда сукунатпинг улкан дахмаси.
 Недир айтай дейман, айтолмаймал оҳ,
 «Келдингми?», «Ізандайсан?» деган садо йўқ.
 Юрагим косаси зардобга тўлди.



III.га

Бизни адаштираар тиэгипсиз йўллар,
адаштираар соат миллари
ва қўргонини рапгли тумаплар.
Адаштираар жапнат каби боғлар,
виқорли тоғлар.
Адаштираар фусупкор гуллар...
Адаштираар Қуёш,
адаштираар ой...
Бироқ, адаштира ёмон, муаллимлар,
Адаштира ёмон узун сочли,
коракёз қизлар,
Жуда ёмон, жуда ёмон адаштира шоирлар.

РАСКОЛЬНИКОВ

Ибротим Рафуровага

Борар у
Тош остида қолган нарсаларни кўргалип.
Қарайди—
Ҳаммаси жойида.
Бироқ...
Қийнан уни виждоп оғриқлари.
Қийнан уни
Иккига бўлингап юрак босириқлари...
Бас эпди,
Боради ҳақиқат излаётгаплар қонига.
Энди озод этар у
Қафасдаги қўшидек кўксидা
Типирчилаб турган ҳақиқатни.
Эй устоз Достоевский,
Турнадай учайтган бизнинг купларда ҳам
Раскольниковлар баҳор замбуругларидаи кўп.
Аммо улар ўз вижданларини ўзлари
Нафс болталари ила чопарлар
қийма-қиймалаб.

УЙГОНИШ

I

Саҳар уйғонаман қүёшдан эрта
 Мудроқ далаларга кетаман шүнғиб:
 Зангари шаббода уйғонар аста,
 Қизгалдоқ ҳидларип кетади апқиб.

Худди рапг олгандек тонг түпларимдан
 Шаффоғ күришади қўзимга дунё.
 Қадамимнинг товушларидан
 Қуёш уйғонади, таралар зиё...

II

Уйғон, митти майсажон, уйғон,
 Ҳидларингга чўмилсин ҳаво.
 Уйғонгил, эй тиллари бийрон,
 Шивирингга чулғансин дунё.

Сен — хурсан, қул чузсанғ қуёшга
 Ёғилади шаънингга олқим.
 Ахир, қарға қанотларида
 Үзоқларга учиб кетди қишиш.

III

Заминнинг кўксини ёриб майсалар,
 Офтобга қўл чўзар қийқириб шодон.
 Шаббода қанотин ўйган маҳали
 Зангур овозага
 Тўлади осмон.

Заминнинг кўксини ёриб майсалар,
 Зангур овозада қўшиқлар айтар.
 Зангур овозада куйлаб майсалар
 Ухлаётган дала,
 Қирни уйготар.

IV

Үйгонгин, атрофга тикилгин,
Іұүёш пурларида ювгин юз.
Осмон соғ, гүёки бу ерга
Сира ҳам қайтмагай қиши ва куз.

Үйғонгин, боғларга кир чопиб,
Дараҳтларда оппоқ наволар.
Майсалар куйлайди гаройиб,
Үйноқлар атираббўй саболар.

Үйғонгин, термулгин атрофга,
Нафосатга чулғанған само.
Ер юзи тиниқки, бокира,
Үйғонган ажойиб бир дунё.

V

Улкан ўрик уйғониб кетди
Юракларга улашиб шодлик.
Мен ўрикка тикилдим узоқ,
Нигоҳимда севги ва ҳадик...

Улкан ўрик уйғониб кетди.
У чайқалиб сарин елларда—
Чўмилтирди очиб кенг қучоқ
Ҳаволарни оппоқ ҳидларга.



Тийрак кўзларимда яшил майсалар
полапон сингари талпинар нурга.
Кўраман ҳар сафар ёмгир ёққанда
кўмилиб кетади олам сууруга.

Ўйчан кўзларимда яшил майсалар,
багрига сингдирап нурни, ёмтирии.
Куёшдай, ёмгиридай мен майсаларга
бир кун топпираман ўтли бағримни.

Сўнг... Яна бу кўҳна замин бағрига
Яшил майса бўлиб қайтиб чиқурман.
Тагин, она юртим, сенинг шаънингга
майсалар тилида шеърлар ўқурман.

Куз сувратлари

туркум

I

Ухломадим туп бўйи...
 Тащарида изгир шамоллар.
 Санчилар қулогимга
 Сил япроқлар видоси.
 Тинмас сира ҳам
 Шўрлик замип нидоси.
 Қайлардадир
 Итлар улиди узоқ...
 Жуда яқин жойдан
 Эшитилиб турди
 Кимнингдир хазин иағаси.
 Шундоқ кириб келди
 Юрагимга куз.

II

Қариган япроқлар чўмилар
 Юлдузлар кўз ёши — шабнамда.
 Қиплоқ қоровули — итлар
 Сукунатни қопар асабий.
 Заҳматкаш далалар қўйнидан
 Паҳта ҳидин орқалаб шамол
 Қайгадир энтикиб йўл олар.
 Тонг отмай уйғониб кетади
 Сергаккина теримчи қизлар...

III

ТУРНАЛАР

Куз оқшоми.
 Мени ғам дарёсига иткитиб юборди
 Узоқларга кетаётган
 Қадрдан турналарнинг
 тилидан тўкилган муғлар.



Хой, турналар,
энди сизларсиз ҳувиллаган осмон остида
қандай яшайман?
Наҳот яшасам,
ғурбат диёрида мен.

IV

Бу кун беҳудуд далалар
Ҳувиллаб ётибди кимсасиз.
Бўшанган гўзалар шохидা
Беланчакдай учар мезонлар.
Тушда кўриб оёқларнинг бўсасин,
Ётинар чўзилиб йўлаклар.
Чаноқлар туради мунгайиб,
Деҳқон умидлари—пахталар
учирма қушчалар бўлиб,
Учиб кетган олисларга...

V

Изгиринли тунда...
Чопиб бораётган ой ёргида...
Тинглаб юлдузларнинг ҳикоясини
Кўз тикар япроқлар бошқа богларга.
Дайди шамолларнинг тутиб баридан
Қушчалардай
Янроқлар шайланар парвозга.
Лекин дарахтлар
Қўйиб юборгиси келмас уларни...

VI

Куз...
Далаларда қовжираган майсалар.
Бутоқларда барглар ёнгини,
исиниш мумкин тафтида bemalol.
Энди узун қиши бўйи
Багримда ўсади майсалар.
Гуркираб бағримда
барг ёзар улкан дарахтлар.

VII

Кеч куз, дарахтларга боқиб, кўраман:
Ёлғиз ўғли ташлаб кетган онани,
Кеч куз, дарахтларга боқиб, кўраман:
Бошига туҳмат тоши ёғилган отани.
Кеч куз, дарахтларга боқиб, кўраман:
Эри хиёнат қўчасига кириб кетган жувонни.
Кеч куз, дарахтларга боқиб, кўраман:
Тўшакка михланган бемор — инсонни.

Кеч куз, дарахтларга тикилмоқ бунчалар

оғир...

ҚАРИ ДАРАХТЛАР

I

Қари дарахт түплари потинч...
 Тикилади атрофга оғир.
 Үнің күксін тимдалар үқипч,
 Шамолларга очади багир.

Қари дарахт түплари потинч,
 Олисларга боқади узоқ.
 Үнға күкден юлдузлар әмас,
 Пашжасини чузади чақмоқ.

II

Дарахтлар түпларин ўтқазар бедор,
 Оятлар айтади сокип, шивирлаб.
 Юлдузлар сирип илиб қулоққа,
 Ойни чакиради оқиста имлаб.

Үйгөніб хүпчачақ, енгіл шаббода
 Яшил япроқларни тортқилаб қучар.
 Дарахтлар түпларин ўтқазар бедор,
 Чайир елкаларда ухлайди қушлар.

III

Қоронги тун,
 ой, юлдузлар булутлар ортида.
 Қари дарахтларинің күзлари мұпгли.
 атрофға термилар ўйчап.
 Мепінг ҳам күзларимда уйқу йүқ,
 кезаман шамолли түп құйнида,
 теэрек тоңг отақолсайды...

IV

Чарх урсип теграмда майли, қуоплар,
 чирмашсін аждардай бўроплар тапамга.
 Дўл—ўқлар отсин бошимга осмон,
 майлп, бағримга игпалар санчса қаҳратон.

Майли, чақмоқ урсип,
 ёзамаң зангори япроқлар,
 Новдалар отаман бақувват.
 Гуллайман,
 мевалар тугаман,
 бари бир яшайман.
 Зотаң,
 Она Ерда соғлом,
 чақноқ, чайир илдизларим бор.

V

Күз ўнгимдан кетмас бир дарахт,
 Озиб-тұзид туради маъюс.
 Новдалари ғарibu карахт,
 Шамолларга ҳорғин тутар юз.

Күз ўнгимдан кетмас бир дарахт,
 На кулар у ва на йиғлар у.
 Бир сўз демас, гапирмас наҳот,
 Юрагимда уйғонар ғулув...

* * *

Кеча қовоқ очмаган осмон
Бугун
Табассум қилас.

Кече отин қамчилаган
Тентак шамол
Бугун ҳолдан тойган.

Борлиқ турар
Фам күрмаган
Келинчакдай масур.
Менинг юрагимга эса
Кечаги булутли,
Шамолли,
ёмғирли кун
Чизиб кетди ўз сувратини.

* * *

Само сукунатнинг дарёсида
Юзар паришон.
Бу кез
Бир гала қуш каби
Изғир қора булутлар.
Бехос, мудраган ғалакни чўчишиб
Гулдирап момақалдироқ.
Нурли қиличи-ла
Нимталаб булутларни
Югурап чақмоқ.
Момақалдироқ садосида
Чақмоқ шуъласи—
Югурик қиличда
Іқолди менинг кўнглим.

* * *

Кимнингдир олдида юрмасман
Новдадай эгилиб, қалтираб.
Кимнингдир олдида турмасман
Маст каби деворга қўл тираб.

Кимнингдир ёнида қушчадай
Мўлтираб боқмасман кўзига.
Кезмасман дунёни беҳушдай,
Юрмасман кимнингдир изига.

Кимнингдир илондай заҳридан
Турмасман юракни чангаллаб.
Кимнингдир бўрондай зарбидан
Кетмасман йўқликка мен қулаб.

Қул бўлмасман ўтларда куйиб,
Бекор мешга ҳар қандай офат.
Сувларга чукмасман қум бўлиб,
Мен — ўлмас, навқирон Ҳақиқат!..

ЮРАГИМДАГИ ЁЗУВЛАР

Етоқхона...
 Мен ёш шоир
 Узун тунлар
 Яланғоч ойнинг сийнасига қўйиб боси,
 Юлдузларнинг оппоқ нурларига белапиб
 ўйлайман:
 Йўлимга кўз нурларин тўшаб,
 соғиниб яшаётган отамни,
 укаларим — жигарларимни.

Қишилоқ четидаги қўҳса қабристони,
 баҳмал майсалар оғушида бир қабр.—
 Онам кирап соғинтириб тушларимга,
 Кирарап шеърларимга нур бўлиб...

Етмиш қишилласидан омон ўтган
 Уруш ярадори қўшшимиз Қодирали отанинг
 Саратон иссиғида ёниб,
 Саратоннинг дим кечаларида
 Фўзага сув тарашлари
 Жасорат бўлиб муҳорланар сатримга.

Тўққиз фарзандли Ҳожалхон аяннинг
 Осмонда юлдузлар рақс этаётганда,
 Елкасида кетмон,
 бир қўлида сигирга ўт қўлтиқлаб:
 — Энди нон ёпсам,
 улгурсам овқатга,
 дея хаёл сурисиб даладан қайтишлари,
 Юрагимнинг чуқур жойларига
 Кирарап матонат бўлиб.
 Боласин қолдирив,
 «Тувги навбатга кетдим», дея ишга,
 лақиллатиб умр йўлдошин,
 ярим тунда
 пулдор бир кимсанинг

кўнглин овлаб келаётган аёл башараси,
нафратимнинг шамолларига урилиб,
Кўчиб кирар шеърим қаърига.

Биламан:

Гарчи шеърларимни қўрқоқ муҳаррир,
Ҳали хом, пишириш керак, деб,
Мана бу сатрлар қалтисроқ,
Тегиб кетмасмикин машҳур раисга;
Мана бу ерда эса,
Ана бу «катта»нинг исми ёзилган, дея
рангин баҳоналар билан
берар қайтиб қўлимга.
Мен эса,
Ҳақиқат ватани бўлган юрагимни,
Осмон бўлиб эркалайман жим.
Ва ундаги ёзувларни
кўчира бошлайман қоғозга!..

* * *

Буронлар баридан,
Момақалдироқ садосидан,
Чақмоқлар тиглагап
Осмон багридан —
Сени тошдим, ҳақиқат.

ОҚИБ БОРАЁТГАН БОЛАКАЙ

Тушимда туби йўқ денгиз...
 Бўрон бўлиб тўлқинлар
 Соҳиллардан сапчирмиш.
 Бир дам лоқайд боқсанг гар
 Тортаб кетар домига.
 Тушимда туби йўқ денгиз...
 Беланчакдай тўлқинлар
 Олиб борар оғупида.
 Кўзлари, соchlари,
 Юлдузсиз кечадай бир болакайни.
 Сергалаён тўлқинлар қўйнида
 Қайиқ сингари,
 Интила-интила соҳил сари,
 Қалқиб-қалқиб борар болакай.
 Қирғоқда бақувват,
 олчоқ, ялтоқи
 Бир гала одамлар
 Ўз жонларини ўйлаб,
 Ўз жонларини авайлаб,
 Гўё кино кўраётгандай,
 Чўкиб бораётган болакайни
 Бештафқат кузатиб турармиш...
 Денгизга чўкиб бораётган—
 Тушимдаги буғдойранг
 Болакай қисмати,
 Сирқиратиб юборди менинг юрагимни.
 Мен соҳилдаги беғам,
 мудроқ одамларга
 Нафрат ўқин отгали,
 Болакайни соглом,
 Омон кўриш,
 Унинг-ла сўзлашмоқ учун,
 Ўтли кўзларимни чирт юмиб
 Тушлар диёрига кетдим...
 Ишонаман, кўрамап соҳилда соглом,
 Кўзлари қоп-қора
 Ва тили бийрон болакайни...

ТРАМВАЙДАГИ СУҲБАТЛАР

Имиллаб боради эски трамвай,
 Унда одамлар шунчалар тирбанд.
 Кимдир гап бошлайди таниб-танимай;
 Қуннинг ҳарорати бунчалар баланд.
 Бирор гапиради фасон ҳақида,
 Бирор эса сунъий сутдан қуюнар.
 Бошқа бирор эса айтар ақида,
 Ўгил кўрганидан бирор суюнар.
 Бирор ёниб сўйлар Ливан аҳволин,
 Ким Абдулла Ориф шеърларин мақтар.
 Бошқаси дўстининг сўрайди ҳолин,
 Бирор дер: «Ойлигим ошсайди агар...»
 Фийқиллаб боради эски трамвай,
 Ҳали манзилига узоқ одамлар.
 Бироқ, суҳбатлари, сўзи тугамай
 Бекатларда тушиб қолар одамлар

Фийқиллаб боради эски трамвай...

* * *

Үөлим, ҳали сен жуда ёшсан,
Күзларипгда чақнар кулгулар.
Қувончларга тўлиб чопасан,
Товушингдан уйғонар гуллар.

Бугун сенга ҳамроҳ тулкилар,
Бўрилардир ўйин—овуичоқ.
Сеп уларни дўст деб биласан
Сеп-ла ҳозир улар ҳам ипоқ...

Икки шохда тебраниб беун,
Сенга ором берар белапчак.
Үйқулардан чўчишиб бир кун,
Үйғотади сени келажак.

* * *

Нозим ва Сарварни соғиниб

Деразадан тикиламан жим,
Олислардан бўйлар дараҳтлар.
Дараҳтларнинг ортида балким
Ўгилларим мени ахтарар...

Бағрим ёнар соғинч ўтида,
Тебранади қўлимда қалам.
Қулолимга чалинар янграб
Ўгилларим овози ўқтам.

«Дадам олиб келар хўроқанд!»
Ичимга ютамап алампи.
Ўгилларим умидвор хурсанд...
Синдираман зарб-ла қалампи.

* * *

Уч кун бўлди,
Поезд олиб кетди
Ўглим ва рафиқамни
Олис қишлоққа.
Уч кун бўлди,
Олиб кетди поезд
кўзларимни,
қўлларимни,
овозимни,
юрагимни,
Ақлу ҳушимни...
Энди, мени изламанг, жўралар,
Мен шаҳарда йўқман,
Уч кун бўлди,
Поезд олиб кетган мени
Олис қишлоққа.

НОЗИМ ҲИКМАТ

*Бир парча осмонинг бўлса...
Нозим Ҳикмат*

Бир парча осмонинг бўлса,
 тикилсанг,
 нур солар қалбингга юлдузлар
 Йўлингни ёритар ой.
 Бағринг ҳам осмондай юксалар.
 Тунлар,
 кўрганларингни,
 билганларигни,
 юрагингнинг дардларин очиб
 ёэсанг шеър,
 оромли ўтарди тупларинг.
 Ватанинга ҳақиқатният пешопасини
 силаганинг,
 кўксингдан жой берганинг учун,
 ондликнинг қуш каби эркин,
 бемалол яшашига қайғурганинг
 учун,
 сенга ҳеч ким зулм тошларин отмаса,
 онанг қучогидаги каби яшасанг.
 Бир кун ўлсанг,
 сени ватандошларинг,
 қариндошларинг,
 хотининг,
 ўғил-қиаларинг,
 дўстларинг
 Кўмсалар ватанинга.
 Ўлмайсан,
 жасадинг қўмилса
 Ватан тупроғига.

ЭРКИНИЛИК

Mirzoga

Тақир йўлдан
 Бир тулнор
 Елиб борар бежилов.
 Унинг янгроқ туёқлари остида
 Чақнар чақмоқ.
 Ёлларини тараиди шамоллар.
 У кинисаса,
 Титраб уйғонади
 Олис тоғлар ҳам.

* * *

Туп кўксини пимта-пимталаб,
 поезд борар ёпдириб изин.
 Шамоллар учади ҳансираб,
 Тоглар эса жилмаяр вазмин.

Қоп-қора ёмғирлар остида
 Поезд борар эпикиб-ёниб.
 Оппоқ тонг отгацда, кимлардир
 Кутиб олар уни қувониб...

ҮЙГОҚ КЕЧАЛАР

I

Рутубатли тун...
 Совуқ ижара хонада ёлғиз ўзим.
 Қалқиб-қалқиб сузади
 Хаёлларниң түлқинида вұжудим.
 Нимадир юрагимга тиғ бўлиб сапчилар
 Ва қандайдир оғриқ кирап руҳимга.
 Бирдан углимнинг
 Чучук тили,
 қийқириқлари,
 йигилари
 Ва қуюнчак аёлимпинг:
 «Үйимиз бўлиши керак ўзимизнинг ҳам,
 Болани жойлаш керак боғчага,
 Тұлаш керак ижара ҳақини»...
 Каби турға ҳасратларига
 тўлиб кетар кўксим...
 Мен эса...
 Бағримга босгапча Нозим Хикмат китобин,
 Олиб шеър дафтаримни,
 Үқдай отиласман ташқарига...
 Оппоқ тошг отаётган пайт,
 Кўксимда рапгин нағолар,
 Қўлимда қалит,
 Очаман дарвозани,
 Энтикиб қарши олар мени,
 Үглим,
 аёлим,
 ва торгина ижара хонам!

II

Тун... Шаҳарниң қоқ ўртасида
 Чирқиллади яраланган күш.
 Үкінч—алам ҳазип сасида,
 Атроғига тикилар нохуш.
 Мажрух қүшча сўрайди нажот,
 Эртасига қараб умидвор.

Худбин шаҳар қўйнида наҳот
Топилмаса бирор ҳалоскор?..

III

Ёз туни...
Пахтазор этагида
Тунамоқ бўлдим
Синиққан майсалар билан.
Бироқ ухломадим,
Келаверди димогимга
Турфа дориларнинг аччиқ ҳидлари.
Мен-ла туни бедор кечирди
Шурлик чигирткалар чириллаб...

IV

Зулмат кеча.
Тинмайди ёмгир,
Япроқ каби титрар вужудим.
Тўрт тарафга боқамап огири,
Қуринмайдп тунинг худуди.

Билмам, қачон ёришади туп,
Қачон нурга чўмилар атроф?
Мана шундай илтиқман ҳар кун
Интизорман йўлингда, офтоб!

ШЕЪРИЯТ

Шеърият, сен сўнмас ёрқин камалак,
Соҳир жамолингни кўрсатиб ҳар зум,
Чорлайдирсан бўлиб ёруг юлдузим,
Менинг иқболимда порлаган малак.
Сенсиз қора бўлур менинг қундузим,
Сенсиз юрак әмас кўксимда юрак.

САЙР

Тоғлар томон чопдим бошялапг,
Опиоқ нурлар селида ўқтам.
Шодлигимни опичлаб аранг,
Чўққиларга тирмашдим маҳкам.

Нақ тепамда осмон нафаси,
Урилади мовий бир ҳаво.
Пастда эса она Ер саси,
Юрагимни әркалар сабо...

ВАРРАК

*Осмон тұла варраклар,
Қаны сенинг варрагине? . .
F. Fулом*

Навбаҳор шамолидаи
Укам қалбида сурур.
Томма-том елиб варрак учирадыр фалакка.
Шунда менинг қалбимда хотиралар уйгонур,
Варрак учирған кезим
Эслайман әнді якка.
Бир варрак ясагандым,
йүқ әди ҳеч тимсоли
ва лекин кетди шамол ишни узиб қўлимдан.
Тағин ўша варракдек бир кун вақт шамоли
Оҳ, илк муҳаббатимни олди толе йўлимдан.
Навбаҳор шамолида варрак учирар укам,
Менинг ёдимга тушар ушал суюқ варрагим.
Куз ўнгимдан кетмайди илк муҳаббатим асло,
Варрак учирар укам,
Ёнар, йиглар юрагим...

* * *

Юлдузлар чарақлар менинг руҳимда,
Офтоб ҳам уйғонар—түэзиган сочи.
Дарёлар ошиқар менинг руҳимда,
Руҳимда дунёдай ўзга бир очун.
У—шамол, бўронлар, момақалдироқ,
Чақмоқ ёмғирлару селдан иборат.
Севгилим, шуларга беролсанг бардош,
Сен менинг руҳимда яшайсан абад.

* * *

*Сенга тор келди бу күкрак.
У. Носир*

Юрак, сен-ла кетяшмиз,
Уфқ сари энтикиб.
Хали олис йўлимиз,
Булгил бардам ва тетик...

Типирчилааб кўксимда,
Тулпордай кишинар юрак.
Энди зафар измимда,
Тор келиб қолди кўкрак.

* * *

Бепинчи қаватдаги
Үйим деразасидан
Момақалдироқ,
чақмоқ
Ва шамоллар билан
Кириб келар тун...
Тортар мени бағрига
Зулмат қаърига.
Мен эса,
Чақмоқ кўзларим,
Үтли юрагим билан
Тун кўксин ёриб,
Бошлаб келаман Тонгни.

* * *

*Унутмас мени боғим...
Усмон Носип*

Шаҳло кўзли юлдузларни мени
 Ҳар оқшом,
 Салом, дея қаршилайман.
 Тун бўйи
 Улар билан сирлашиб,
 Толим-толим соchlарини босиб багримга
 Ухлаб қоламан.
 Тоиг саҳар,
 Юлдузларнинг «Хайр, яхши кол», дея
 Шивирлашларидан уйғониб кетаман,
 Ҳар оқшом кутаман юлдузларни.
 Топг саҳар кузатиб қоламан,
 Бир кун
 Юлдузлар билан хайрлашолмай,
 Ё саломлашолмай,
 Абадий уйқуга кетсан,
 Балки мени унутмас юлдузлар...

Қушчанинг саслари

(Туркум)

* * *

Қуриган дарахт елкасида
Үлтирадар наришон қушча.
Шундоқ нарида эса,
Чорлаб турар уни —
Гуркираган дарахт.

* * *

Куз кечаси,
Мени уйготиб юборди
деразам ортидаги
ёлгиз дарахтнинг
Синиқ товуши.

* * *

Шундоқ ёнгипиамдан
Келарди уннинг нафаси.
О, қандай нафис,
қандай хүшбүй,
Қандай гүзал әди у нафас.

* * *

Қундуз қүёши нуридан
уйгонади куртак.
Тунда ой,
Юлдузларнинг иссик нафасидан
Чирой олар у.

* * *

Оқ отнинг қўзлари маъюс,
нимадир бўлган.
Ёхуд нимадир булишин мукаррар.
Оҳ, у гапира олсайди,
Қадамларидай янгроқ...

* * *

Йул юрамап, йўл узун,
чавона тишларни қайраб,

изгийди йиртқич совуқ.
Бутун вужудимни күйдиар
кўксимда гувиллаётган оловнинг тили.

* * *

Олапарнинг кўзларидан ёш оқар,
тилига уй қурган сукунат.
Ўзоқларга мажолосиз боқар.
Энди узун думини
қандай кўтарар қари гавдаси?

* * *

Бу ер мунча зерикарли,
чарчаб толди кўзларим.
Чарчади руҳим оёқлари.
Кетаман эпди бошим оққап
томопларга.

Балки сени тонарман, балки...

* * *

Қаргалар келди,
қапотларидан
қор ҳиди уфурар.
Чўзиқ товушларидан
аччиқ қор ёға бошлар.

* * *

Дардларимни булоққа айтсам,
У шивирлаб деди:
«Бери кел,
нечун кўрмайсан,
кўзимдан оқаётган ёшларни?..»

* * *

Мен қаёққа кетаяиман
Ўзим ҳам билмайман.
Атрофимда урмалар туман.
Ва лекин юрагимда
уйгонмоқда қуёш.

* * *

Жуда кеч уйғондим.
Сувга чўқкан
Ҳарсангтош қаби,
кузларим очиқ ухлабман,
Елаётган вақт аравасида.

* * *

Қүёшга тикиламан узоқ,
ойга тикиламан уйғоқ,
Бироқ сенга тикилсам
Юрагимда уйгонар чақмоқ,
Эй, азиз юртим...

* * *

Сени күрмагасымга
Ох, пе замонлар булди.
Наҳот,
Энди ҳувиллаб қолар бир умр
дийдор йўли.

* * *

Жоним,
лабларишдан симиридим
муҳаббат майин.
Ў, қандай шириш, қандай тотли,
қалбимда барг ёзди умрим баҳори.

* * *

«Ойнинг ўи беши қоронги,
Қолган ўи беши ёргү».
Түгри гап, жоним.
Мана,
 қоронгу куплардан тимирскилана-
 тимирскилана,
Аланглаб-аланглаб утдик.
Лпа оқарид кўришар алҳол,
Нурлар кийиб олган оқ кунлар олдимиизда.
Энди ишонгии, жоним,
Чаноқдаги нахтадай хаандои очилар
 купларимиз.

ҲАЙЖОННИНГ СУВРАТЛАРИ

I

Үйғонма шамол,
Сен ҳам қанот ёйма шаббода,
бу ерда гуллапти мен сүйган жийда.

2

Қаёққа бораяпсан, чумоли?
Елкангда төгдай юк.
Суякларим қирсиллар менинг.

3

Бунчалар тотлисан, ялпиз?
Нафасингдан юрагим сархуш.
Энди умрим күчасида паврўз.

4

Бўлди бас, уйғонгин, ўғлим
ана, тикилар деразадан
Кундузнинг порлоқ кўзлари.

5

Сенга энг ширин сўзларпи айтдим,
айтдим энг аччиқ, тахир сўзларни.
Сен ахир мусича әмасссан-ку.

6

Бас, чекин совуқ сукунат,
Кўрмаяисами, борлигим ёнмоқда.
Энди исён қилар тилим.

7

Чуғ қаби танамни куйдирад,

Зулукдай суради қонимни
Дилимдан қоғозга тушмаган ҳар сўз.

8

Бу сўзнинг чапдиқ бадани
ва ёйдай қомати
юрагимга ўт ёқиб юборди.

9

Чирспиллаб юлдузлар ёништи,
Оқшом кўзгусида юрагим акси --
Ой ёниб бормоқда ловуллаб.

10

Сен йигладинг,
Шу қадар чирқираб йигладинг,
Қоялар уйгониб кетди унингдан.

11

Сукупатга тўла кўзларимда,
ҳаяжон, муинг бор, дўстим.
Сен уни тушунишинг, тинглашинг зарур!

12

Товушимни баланд қўйдим,
тоғлардан келди акси.
Бироқ сен эшитмадинг.

13

Шундоқ пешонамининг ёнидан
Тун оқмоқда қўпириб,
Мен унинг шовуридан уйгониб кетаман.

14

Зангари кўл, шу қадар пок,
шу қадар тиниқсанки,
шунгифб кетгим келап бағтингга

15

Кел, қўлингни бергил, ой,
бир зум хонамга кирсанг
ёришиб кетар тунда кечётган умрим.

16

Қалдиргоч, ин қуриб упинг уйига,
Эрта-ю кеч ўқийсан алғажр.
Ү тингламас: қулогигача битган жир.

17

Гунчалар қопида ўртапиб,
тонг саҳар сайрайсан, булбулжон,
бу пайт тунда кўрар залворли қўлларини
ғупчалар.

18

Қуёш ҳориб йиқилди,
Тирқпраб кетди қопи
Унинг қон томчиларидан таени ёриши осмон.

19

Менинг йиғлагим келди жуда,
Бироқ йиғломадим,
Йиғлаётган булутлар олдида.

20

Дарахт, шохларингда ўйнаётган,
меваларингни чўқиётган чумчук
наҳот ўзини баҳтли деб билса?

21

Баҳор кўзларида ҳаяжон,
Далаларда майсалар упди,
Дарахтлар уйгонди ошиқиб...

22

Билмадим, шамоллар кайга элтиб
кимларнипг димоғига тутаркил!

23

Тонг, сенга ҳавас қиласан,
тунни ҳар күп қувасац
ва бошлаб келасан қуёши.

24

Жуда қисқа яшади шабнам,
шунда ҳам майсанниг губорини
ювиб кетди у.

25

Дунёга келдиг, Бойчечак,
мудраётгай тошлар гирдиігда,
Бу ерда ким сепи қадрлар?!

26

Узоқлардан келган турфа,
нотаниш қушлар,
Келинг, менинг тилимда сўзлашайлик.

27

Шарқираб оқаётган сув узра ўйнар,
оининг тилла синиқлари.
Уларни еб қўймасайди илонлар...

28

Нақадар гўзалсан, бева аёл,
ҳайрат дараҳтига суюниб
тиклиаман безабон, беҳол.

29

Сен баҳор осмонимсан, севгилипм,
мен бағрингда турғун бўлолмай,
тиркираб, дилдираб юргувчи булутман.

30

Сен жуда узоқда яшайсан,
Орамизда, оҳ, қапча тоглар бор. Барибпр
тунлар ойдай, кундузлар қуёпдай порлаб турасан.

31

Мепга нимадир бўлган,
Ҳайҳот, йўқотиб қўйдим,
Куппа-купдузи ўзимпи-ўзим.

32

Сени қўчадап эмас,
Ёхуд бироннинг хонадонидан эмас,
Ўзимнинг юрагимдан топдим.

33

Йўл олис.
Елиб бораётган автода ёпма-ёп ўтирасак-да,
Орамиз йўлдан-да олис.

34

Сенга дуч келсам,
ситилиб кетади
ярадор қўксим.

- 35

Тили чайналган шамолнинг,
Қушлар чирқираиди бетиним:
Қаёқларга кетдинг, эй дарахт?

36

Бопидап-оёгинг пахмоқ,
Нега пўрим кийиниб олдинг,
Бу ялангоч замонда, йўлбарс?

37

Тилингга сукунат қулғ солдими,

Ёхуд тилингни унутдингми,
Нечун, жимсан, булбул?!

38

Мажнунтол, шохларингни баланд кутар,
Кўрмаяпсанми?
шундоқ тагингда заҳарли тиканлар ўсаяти.

39

Қулогингта нимадир дейишим керак,
Сен бўлса яшириниб олибсан қудуққа,
Айт, бунча ҳаёни қайдан олдинг, Ой?

40

Мунча баландга ин қурмасанг, лайлак,
Ёхуд рангдор қушлар ичра
Кўринмай қоларми бўй-бастинг?..

ЮРАГИМГА ЧЎККАН ТУН

I

Бас, кел эпди, хайрланийлик,
Тинсин чигал уйлар гирдоби.
Етар ахир шунча жимжитлик,
Оғир ахир сукут азоби.

Қара, осмон зулмат бус-бутун,
Бошимизда на юлдуз, на ой.
Сени олиб кетган қора тун
Юрагимда қолар ҳойпаҳой...

2

Сен кетган тун...
Лайлак-лайлак қорлар ёғди.
Урилди бошимга, юзимга, кўксимга
Қорларнинг залварли қўли.

Сен кетган тун...
Шодлигим ҳам,
Ишончим ҳам,
Паноҳим ҳам —
қиши бағрига ташлаб мени,
Қайгадир кетди...

3

Тун...
Хонада ёлгизман...
Китоб бетларида
Толар кўзларим.
Варақлар тугамас...
Тун узун...
Тундан эса
Ёлгизлик узун.

4

Нурга чўккан кечаларда кезаман ёлғиз.
Кўчиб тушган гўё юлдузлар.
Автоларнинг қўёзлари порлар.
Порлар биноларнинг қўёзлари.
Порлар одамларнинг юзлари.
Фақат ёришимас қуниғлим,
Сенсиз чўккан юрагимга тун.

* * *

Тун ярмидап оғган,
Хонада ёлғиз бир аёл.
На уйқу бор күзларида,
На ҳаловат.
Деразадан боқар аёл,
Мұлтираб, жовдираб.
Ташқари зим-зиё.
Күрингеси негадир
Ой ҳам бу кеча.
Күрпала бурканар аёл:
— Бунча совуқ күрна?..
Атрофга қарайди.
Түрт девор ичра
Күрар ўзини.
— Бунча совуқ бу кеча?..
Тун яримдан оғган.
Хўрсаниб мұлтирас бир аёл...



Паризод

Туркум

МУҲАДДИМА

Мен шу қадар ҳоридим.
Ёнаётган руҳимда кезар
Бегам одамларнинг қадамлари
Ва совуқ башаралари...
Мен шу қадар ҳоридим,
Гар сен бўлмасанг, муҳаббат,
Йиқилиб кетардим,
Іқапалак нафасидан ҳам...

I

Кеч гуллаган олма мисоли бугун,
Юрагимга кириб келдинг, муҳаббат.
Ўтса-да умримнинг ярмидан кўпи,
Муҳаббатим, сенга тилайман сабот.
Бўронлар туради энди олдимда,
Аччиқ изғиринлар тиглар багримни.
Оғир хаёлимга қорлар ёғади,
Ох, пелар кутади умр—боғимни.
Хеёй, багримга олов ёққап паризод,
Сочдим-ку, елларга кўп сирларимни.
Мен энди сипқориб севги бодасин,
Бахшида этаман сенга умримни...

2

Кечач... кўринади на ой, па юлдуз,
 Шамол изиллайди чимдиб юзимни.
 Дараҳтлар соч ёйиб шивирлар маъюс,
 Йўқотиб қўйтганман, тамом ўзимни.
 Йўлим йўқ юрарга, йўқдир эс-ҳушим,
 Атрофга қарайман нигоҳим тўниб.
 Бир ён ўғилларим — янгроқ товуши,
 Бир ёнда чорлайди севгилим ёниб.
 Билмадим, бу кеча не кечар ҳолим,
 Вужудимни ёқар икки ўт сеҳри.
 Боплаб кетармиқан муҳаббат йўли,
 Ёхуд олиб қолар остоша меҳри?..

3

Кетгансан бу ердан қун олисларга,
 Энди сенсиз ғариб бу гавжум шаҳар.
 Сиримни фон этиб ой, юлдузларга,
 Девона юрагим ёнар, ўртанаар.
 Ялдо кечаларп үзимни билмай
 Ёниб чақираман, овозим толғин.
 Умидим гуллари очилмай, кулмай
 Йўлингга сочилган заъфарон, сулғин.
 Мен бу кун ишқингда bemору ғариб,
 Бу ёруғ дунёни кезгайман маъюс.
 Топаман бир қуни сени ахтариб,
 Эй, менинг фариштам, севгилим ойюз.

4

Бу кун мен саҳрода қолган йўлчидаӣ,
 Висолинг йўлида ўртандим, қуйдим.
 Сенсиз гулбаҳорим менга қинслигин,
 Ез эса кузлигин англадим, туйдим.
 Сенсиз ўтаётган узун умримни
 Қарага берганиман фоний дунёга.
 Сенга гар етишсам у кун умримни
 Қайтариб оламан, чўмиб зиёга.

5

Узоқларда яшайсан энди,
 Эшитаман овозинг симдан.
 Менга олиб келар саболар

Сочларингниң бўйларин зимдан.
Ой эслатар оқшом юзингни,
Кўзларингни эса юлдузлар.
Тушларимга кирасан тунлар,
Энди узун бўлар кундузлар...

6

Биламан,
сенинг ошиқларинг қўп.
Соядай ортингдан әргашар.
Хоҳласанг энг ёруғ юлдузни,
Ойни ҳам
гулдай тақиб қўйиншар кўксинигга.
Амин бул,
улар капалак каби,
гулдан-гулга кўчувчилар.
Менинг калтадир қўлларим,
ғарибдир сўзларим,
бироқ,
мўъжаз юрагимда
сенга муҳаббатим бор
муҳаббатнинг ўзидан ҳам катта.

7

Иzlарингдан чопдим ҳушимдан оғиб,
Бироқ етолмадим, эй, кўнглим гули.
Афсус, бу ерларда итдайин изгиб
Йўқотдим, йўқ энди умидим йўли.
Оҳ, юлдузларнинг кўзлари ёниқ,
Самода ўйнайди шуълалар ўқгам.
Ой вақт дарёсида оқади тўлиқ,
Бир мен бу дунёда адашган одам.

8

Йўқ, бу ердан энди кетмасман,
Не умидда келганман ахир.
Эй севгилим, сени томмасам,
Кечар умрим аччиқ ва тахир.
Излаганим — қуюб-ёнишим,
Не қилайн паймонам тўлса?
Бир кўрининг, тинсин хонишим
Агар исминг ҳақиқат бўлса.

СОФИИЧ ТАШБИҲЛАРИ

* * *

Бу кеч мен ой билан ёлгиз
 Сенинг йулларингга қўз тиқдим.
 Сен эса келмадинг.
 Юрагим ҳам ой қаби
 Туни бўйи ёнди ловуллаб.

* * *

Шу қадар согиндим, сени!
 Йиғлай дейману йиглолмайман...
 Кулай дейману қулолмайман.
 Менга нима бўлди,
 Қўксимда юрагим бормикин, омон?!

* * *

Ёлгизим,
 Изларингдан шамол бўлиб борсам.
 Шамол булиб силасам сочларинг.
 Етиңсам васлингга шамол бўлиб агар,
 Бир умр шамол бўлиб қолай, майлига.

* * *

Қаноти қайрилган қүшчә мисоли
 Синиңдир овозинг — ғамгипсан беҳад.
 Ғамдаң қорайдими чўлион кўзларинг?
 Ёхуд тарк этгани сени саодат?

Дардсиз давраларпинг гули бўлмайсан,
 Ёлғизлик элида кезасан маъюс.
 Наҳот, энди, наҳот бир бор қулмайсац,
 Эй, менинг қаршимда синиккан юлдуз.

Деразанг кўзига урилар ёмғир,
 Ташибарида кезар яланғоч совуқ.
 Хонанг ҳам совийди, жунжикиб охир
 Қўрпага бурканиб сен тортасан «ух».

Топталган оппоқ гул кирад тушингга,
 Йорагингни эзib ўтар бир сезги.
 Энди, келолмассан, тамом ҳушингга,
 Сен ахир адашган, хўрланган севги.

ВИСОЛ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

I

Теваракка таратиб чирой
Сен келасан бамисли зиё.
Ҳарир кўйлак кийиб чиқар ой
Рақобатга чоғланиб гўё.

Чўчибгина қўлинг силайман,
Сочларингни ўйнайди насим.
Кўзларингдан меҳр уқтайман
Бир ҳисларга тўлади кўксим.

Майсазорга чукамиз, сўлгра
Юлдузлардан ололмайсан куз.
Эҳтирос-ла жўшиб мени эса
Сочларингни тараман, бесёз...

Ой ҳам кетар сукут отида,
Сен қўлингни чўзасан беҳуш.
Мен симириб туншинг тотидан,
Тонг қўйнига кираман сархуш.

II

Ўша кун...
Сен келдинг қамардай тўлиб,
Қоп-қора дарёга ўхшаб соchlaring
Кўксингдан оқарди лиммолим бўлиб.
Эсимдан оғдириди,
Ўзни йукотдим,
Жисимини кўмдилар соchlар тўлқини
Мен чўкиб кетдимми қора дарёга...



УЧИНЧИ ХОНД

(Драматик достон)

Қатнашувчилар:

Биринчи толиба қиз

Биринчи толиб

Иккинчи толиб

Учинчи толиб

Тўртнинчи толиб

Иккинчи толиба қиз

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Талабалар ётоқхонаси. Тўрг үринли хона. Биринчи толиб сигарет чекиб ўтирибди. Эшик тақиллайди. Хонага биринчи толиба қиз киради.

Биринчи толиба қиз

Ассалом! Мумкинми?! Вой-буй бунчалар —
Тутунга тұлмаса кичик хонанғиз?
Гүёки туманлар тұлқинида сиз
Қайгадир кетяпсиз кемадай сузіб.

Биринчи толиб

Ха, мен йулға түшдім. Биз кетаянимиз...
Ниятимдек мовий келажак сари.

Биринчи толиба қиз.

Йүқ, аччиқ тутуулар оғушидамас,
Гүзәл шेърларыңғыз қапотларида
Йигирма биринчи асрға, ҳатто
Үндаш ҳам нарига борасиз омон.

Биринчи толиб

О, кошки... Күксимда ногирон юрак,
Чидаб берса, олис йүлларга бардам...
Рост айтсам, бугун ҳам санчды юрагим,
Шу одамлар билан, мана шу йўлдан
Наҳотки адамий борамиз бизлар,
Йигирма биринчи асрға?

(Шу пайт хонага иккинчи толиб киради).

Биринчи толиба қиз

Хўп, мен чиқай...

Иккинчи толиб

(Кизга сүқ билан тикилиб)

Кечирасиз, сизларни безовта қилдим.

(Киз индамай чиқиб кетади).

(Иккинчи толиб биринчи толибга яқинлашиб.)

Хўпам топгансан-да, қара қоматпи,
Кўзлари мисоли оҳунинг кўзи.
Кўкси училга шай—икки кабутар,

Дўстим, худо берган сенга омадни.
Суриб ол вақтида...

Биринчи толиб

(*Titrab*)

Нима деяпсан,
Биласанми у ким?...

Иккинчи толиб

Ҳа, севгилиинг-да.

Биринчи толиб

Унга қора ният билап тикилсанг
Мендан омонликлини кутмагил зинҳор.

(Хонага учинчи толиб билан тўртинчи толиб сархуш киради).

Биринчи толиб

(*Kuvoniб*)

Кимнингдир қўнглини овлаб, чоғ этиб,
Бугун яна байрам қилибсизлар-да.
Наҳот сафинглардан мени ажратиб...

Учинчи толиб

Бугунгиси хамир учидан патир.
Шаҳар четидаги ҳув чойхонада
Шанбада бўлади девзирага ош.

Тўртинчи толиб

(*Учинчи толибга қараб*)

Ўзи ҳам хўп қули очиқ экан-да...

Учинчи толиб

Мен сенга беш кетдим, ахир ўйлагин,
У домладан аъло баҳо қўйдириш

Биринчи толиб

(*Иккенига қараб, илжайиб*)

Бугунги мааниат, шапба они ҳам
Бупдан чиқди, меҳнат меваси экан.

Тўртинчи толиб

Шу домлаларға ҳам ҳайроиман ўзи,
Баъзи бирорлари бирам таъмагир,
Ҳатто нафақангга олайтирас кўз...

Учинчи толиб

Домлалар-ку майли, маонилари кам,
Тогам айтиб туарар—«олар» вазирлар.

Тўртинчи толиб

Қаёққа қарама — қўл ювар қўлпи,
Бу бир ажаб санъат, шулдир йўлмиз.

Биринчи толиб

(*Жаҳл билан ҳаммага кўз югуртириб*)

Минг лаънат бўлсин-а бундай меҳнатга.

Тўртинчи толибга тикилиб

Сени қувиш керак бу жамиятдан.

Тўртинчи толиб

Гандираклаб биринчи толибнинг ёқасига ёпишади.

Менга нима дейсан? Бор, тошилгни тер.
Яна бир чурқ этсанг, ўзингдан кўргин.

Биринчи толиб

Мана сенга... мана...

(*Тўртинчи толибни шиб ийкитади*)

Түртнчи толиб

Эх, ирамас ит.
(Хамма биринчи толибга яқинлашади).

Овозлар:

Бүлди бас... Нима бу... Күйсөнг-чи энді...

Учинчи толиб

Күйгүп энді дүстүм, мастига тенг келма.

(Түртнчи толибга)

Бас энді, сен ҳам ёт, күп оима ҳаддингдан.

(Шөвкүп аста тинади)

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Биринчи толиб шеър ёзиб ўтирибди. Хонага биринчи толиба қиз киради).

Биринчи толиба қиз

Кечирасиз, илҳом, париларини
Қүш каби учиреб юбормадимми?

Бирипчи толиб

(севиниб)

Бошим гаранг эди боядан бери
Күролмай сиз айтгап илҳом парисин.
Илтижоим худога етдимп, чоги,

(қизни күрсатыб)

Үзи кириб келди илҳом париси.

Биринчи толиба қиз

О, кошкийди сизга беролсам илҳом,
Агар шеър бўлолсам. мен ёнингизла...

Биринчи толиб

Наҳот билмасангиз қанча шеърларим
Хатто исмнингизга ёзилганини.

Биринчи толиба қиз

Қани улдай бўлса биттасин ўқпиг,
Ёзилмаган бўлсин майли исмимга.

Биринчи толиб

Майлими ўқисам устоз Чўлпондан?
Руҳим ушбу шеърни хоҳлаб турибди.

Биринчи толиб қиз

Ўқинг, әшитайлик.

Биринчи толиб

(Ёниб шеър ўқийди)

Муҳаббатнинг саройи кепг экан йўлни йўқотдим-ку
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим, па нозлик тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай қулични катта отдим-ку.

Ажид дунё экан бу ишқ дунёси аё дўстлар,
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқуб қон айлади багрим,
Кўзимдан ёшин жўй аллаб аламлар ичра ботдим-ку.

Қаландардек юриб дунёни кездим тоимайин ёрни,
Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Биринчи толиба қиз

(*күзида ёш билан*)

Бир қишиң ҳисларга тұлді юрагим,
 Бир ажыб қүйларға чултанды бағрим.
 Мен пешуп Җүлиопии билман устанмай?
 Надомат бағримни пимталар әнди.
 Мени бу қийноқлар әнди қиймалар.
 Ҳей, ёлғончы мактаб, әй, муаллимлар
 Асл шеъриятни яшириб бўлмас...

Биринчи толиб

(*ҳаяжонланиб*)

Оҳ, асл шоирни ўлдириб бўлмас,
 Эҳ, бироқ кимлардир ўтли юракни
 Тупроққа кумдилар у кун тириклай.
 Букун у юрибди қалоб тўримиизда
 Тириклардан тирик—яшиндай чақнаб.

Биринчи толиба қиз

(*Бир дақиқа жимликдан сўнг*)

Биттасини ўқинг, ўз шеърингиздан.

Биринчи толиб

(*хаёл суради-да, шеър ұқийди*)

Юлдузлари сўпган кечада
 Атрофга боқаман жовдираб.
 Ҳеч кимса куринмас кўчада,
 Ёззаман зулматда довдираб.
 Ёмғирлар савалар беомон,
 Жўнжикиб титрайди вужудим.
 Дунёга bemажол боқаман,
 Сен ёнимда йўқсан, юлдузим.

Биринчи толиба қиз

(*маъюс тортиб*)

Рости, шеърингизда рухингиз синиқ
 Шеър тушкун, негадир кураш йуқ упда...
 Менимча, чип шоир қисмати шуки,
 Ҳар қандай дамда ҳам курашмоги шарт.

Биринчи толиб

Ҳа, шоир қисмати курашмоқ фақат.

III МАНЗАРЛ

Шаҳар четидаги сокин чойхона. Сўрида иккинчи, учинчи ва тўртинчи толиблар қизгин сұхбатлашиб ўтиришибди.

Иккинчи толиб

Йигитлар, сепларга обдон ишопиб,
 Юрагимни очсан, сотмайсизларми?

Учинчи толиб

Сен нима деянсан? Бизлар сотқинмас,
 Бизлар-ку сен билан қиёматли дўст.
 Қўмак керак бўлса айтгии тортинмай,
 Албат уддалармиз топиб ўйлини.
 Яхши биласап-ку.

(*Туртинчи толибни курсатиб*)

Манов ошхўрии,
 Бунга бир зиёфат бўлса ҳаттоқи
 Юлдузни уради шартта бенарвон,
 Қани, айт, тортинмай юрак дардингни.

Иккинчи толиб

Неча кундир иотинч менинг юрагим,
 Неча кундир чўғдай ёнади бетни.
 Рости севиб қолдим...

Тўртичи толиб

Юрагнинг ёндирган ким булди узи?
 Керак бўлса ёрдам, айтгин тортинимай
 Ҳаттоғи ўтда ҳам,
 сувда ҳам бизлар
 Сен учун куюшга, чукнинга шаймиз.

Иккинчи толиб

(бутун дунёсини беришга шай, хурсанд)

Киприклари узун, юзлари апор,
 Дарёдай тўлганган сочлари узун.
 Йиғода ҳоли — қулгичи ҳам бор,
 Боқинлари оҳу бир маъсума қиз.

Тўртичи толиб

(ҳаяжонланив)

Мен билиб олдим, у—шопримизнинг
 Севгилиси ахир — ул маъсума қиз!

Учинчи толиб

Йўқ, йўқ, у шоирнинг севгани эмас.
 Яқин суҳбатдоши бўлади холос.
 Шунча кузатиб ҳам ҳеч қўрмадим-ку,
 Ҳаттоғи уларнинг қўл узлашганин.

Тўртичи толиб

(Иккинчи толибга жилмайиб)

Ахир сен севардинг курсодоп Диlldорни,
 Унинг-ла кечарди тунларнинг дойим.
 Наҳот уни энди гулдай эзгилаб,
 Букун ўзгасини ўйласанг, эрта...

Иккинчи толиб

Дўстим, тушунсанг-чи, сен ахир бундоқ,
 Мен уни севмасдим юракдан.
 У билан юраддим кўнгил хушликка.

Ва лекин у менга мос әмасди ҳеч,
Мен рози қилганман,
сен бўл хотиржам.

Тўртинчи толиб

Рост бўлса севганинг, куюб ёнишинг,
Буни у билурми ё қизга ҳали
Юрак очмадингми қани айт, ростин? ■

Иккинчи толиб

Неча бор изидан юрдим, бўлмади,
Ҳали ҳам соядай юурман, бекор...

Учинчи толиб

Модомики севсанг, қийналса юрак,
Қармоққа балиқдай илинтиргиң-да.

Иккинчи толиб

Қандоқ қилиб ахир?
Беринглар ёрдам,
Майли, эвазига тиланглар тилак.
Майли, истасанглар зўр қаҳвахона.
Еҳуд бирор кўркам чойхонада ош.

Учинчи толиб.

(Тўртинчи толибни кўрсатиб)

Агар кўнглин олсанг мана буни сен,
Орзу ҳаловатинг ушатгай албат.
Хатто бир кечада,
у маъсумани
Кўйинингга солиши муқаррар, тайин,
Кўп гувоҳ бўлганман, кўрганман аниқ,
Ўзини «юлдуз» деб юрган қизларни
Неча-нечтасини домлаларга у
Гул маби ~~пашини~~ юборганини.

Тўртнинчи толиб

(жилмайиб)

Бироз чиқим бўлса,
бунииг бор йўли.

Иккинчи толиб

(хурсанд)

Ҳар қанча чиқимга мен рози, мана,
(ўргага бир даста пул ташлайди)

Тўртнинчи толиб

(ҳаммага қараб)

Учинчи хонада қай бир шанбада
Кимнингдир бўлади туғилған куни.

(Иккинчи толибга қўл чўзиб)

Зиёфати сендан,
хизмати биздан.
Ўша кун килурмиз кўнгилларни чоғ.

Учинчи толиб

Аён барчамиага шоирнинг букун
Жойланисиши қай бир касалхонага.
Лекин қиз... шоирсиз туғилған кунга
Келиши кўп гумон. Мана муаммо.

Тўртнинчи толиб

Анаву курсдошим Зумрад иккови
Сирдош дугона-ку, ўша орқали
Ечилар масала, ҳал бўлар тапвип,
Иш битар ҳамирдан қил сугурғандай.

Учинчи толиб

Тасаппо, тасанно.

Иккинчи толиб.

(чөхраси ёришиб)

Ў, бошқа гап бу!

Учинчи толиб

Энди, қайси кунни қилайлик тайин?
Ва кимники булсин тугилган у кун?
Агар, менга ҳеч ким бўлмаса қарши,
Майлиги, менини булсин «ўшал кун».

Иккинчи толиб.

(раинги оқариб, узгариб)

У кунининг чиқими ўзимдан бўлгач,
Ўзимники бўлсин тугилган кун ҳам.
Хуллас, навбатдаги шаанба, хонада
Нишонлашар мениниг тугилган куним!

IV МАЗЛАР

*Хона ўргасидаги стол ноз-песъматлар билан безотилган.
Унинг атрофида уч толиб йигит ва икки қиз ўтиришибди.*

Учинчи толиб

(иккинчи толибга тикилиб)

Жонажон дустиму азиз ҳамхонам,
Тугилган кунинг-ла қутлайман сани.
Улкан орзуларниг қанотларида
Мурод-мақсадингга етгил илойим.
Ва сенга тилайман чинор умрини,
Қуёшдайин қулсин баҳту иқболинг.

(Иккинчи толиб ва бошқалар билан қадаҳ чўкиштириб ичади)

Ҳамманигиз «оқ қилинг» қадаҳиғизин,
Ги кунимет болгиси бўйни мукаббон

(Кўзи биринчи толиба қизнинг қадаҳига тушиб)

Ие, сиз ичмабспэз-ку, ичинг тортиимай,
Лпа, дугонангиз Зумрадни қаранг...
Ў, ахир бу шампан, қизлар учун-ку.
Қани-қани ичинг, қолмасин сира.

Биринчи толиба қиз

Йўқ, ўуқ, ичмаганман умримда ҳали,
Кўйинг истамайман,
зурламаинг мени.
Шарбат сувин узи менга кифоя.

Иккинчи толиба қиз

Майлига ичмангиз ҳаммаен бирдан.

Иккинчи толиб:

Түғилган куниму ҳурматим учун,
Ичингиз оз-оздан майлига ҳўплаб.

Тўртинчи толиб

(Биринчи толиба қизга қараб)

Мен ҳам ичинингиз тарафдори ҳа,
Ичсангиз руҳингиз кўтарилар, рост.
Агар ичмасапгиз узатинг менга,
Эвазига эса ўйнаб берурсиз.

Учинчи толиб-

Майлига ичмангиз, мен бўлса, энди
Табриқ учун сўзни берурман сизга.

Биринчи толиба қиз:

(Иккинчи толибга ўғирилиб)

Қутлайман туғилган кунингиз билан,
Соғлиқ-саломатлик ёр бўлсин спага.
Ўқини-шпиларингиз бўлсин аъло, соз,
Нияtingиз бўлсин тоғ сувидай пок.

Иккинчи толиб*(хурсанд)*

Құлингизни беринг, сиқиб құяйин,
Ушбу сүзларингиз исботи учун
Озгина бўлса-да, ичишт шамшандан.

Биринчи толиба қиз

Йўқ, йуқ, майлига мен шарбатдан ичай,

Иккинчи толиб

Майлига кўнглингиз хоҳиши бўлсин

*(Қизнинг шарбат суви солинган идиши билан
чўқишитириб)*

Сизнинг соғлигинигиз учун ичурман!

Иккинчи толиба қиз*(қиқирилаб)*

Бизнинг соғлигимиз учун ҳам бўлсин...

(Ҳаммаси чўқишитириб ичишиади)

Иккинчи толиба қиз*(иккинчи толибга)*

Сизнинг дугонамга боқишингиж жа...

Иккинчи толиб

Бир гап бўлгали йуқ, менинг у қизга
Қандайдир ҳурматим зиёддан зиёд.
Бир кун кези келса ёлғиз ўзига
Юрагимни тукиб, айтурман рўй-рост.

Учинчи толиб

(Сармасст, магнитофонни бураб)

Келинглар, азизлар, ўйнайлик эпди,
Шерали Жўраев қушиқларига.

(Ҳаммани ўйинга торгади)

Иккинчи толиба қиз

(Биринчи толиба қизни тортиб)

Ікушиқнинг зўрлигиш каранг дугона,
Келинг бир ўйнайлик.

Биринчи толиба қиз

Кечирасиз йўқ,
Оҳ, нечундир кўнглим қоронғу,
Хеч нарса ичимни ёритмас бу дам.

Иккинчи толиба қиз

Ё, балким шоирсиз зерикандирсиз?
Балки юрагингиз шеър тусагандир.

Биринчи толиба қиз

Мен бугун шоирдан эшитдим шеърлар,
Ўнга айтган эдим бул ўтиришни,
Балки ҳали замон келиб ҳам қолар.

(Ҳамма ўйин билан бўлиб, биринчи толиба қиз ёлгиз қолади. Бунга кўзи тушган иккинчи толиб ёнига келади).

Иккинчи толиб

Қувноқ бу даврада иччундир бир сиз
Ғамгин, мотамсаро утирурсиз жим.
Не бўлган, айтингиз, эшитай бир-бир.
Дарвоқе шоирсиз?..

Биринчи толиба қиз.

Билмадим, ўзим...

(*Учинчи толиб иккинчи толиба қизни етаклаб чиқа бошлайди.*)

Учинчи толиб

Ташқарига чиқиб қалурмиз бизлар.

(*чиқиб кетишади*)

Тўртинчи толиб

(*иккисига қараб*)

Икковингиз бирам гўзал турибсиз
Гўё кинодаги ошиғу маъшуқ.
Мен сизларни бир дам қолдириб ёлғиз
Тезлик-ла қайтурман.

Биринчи толиба қиз

(*Бир дақиқа ўзини йўқотиб*)

Мен ҳам чиқурман

(*Эшик томон юради*)

Иккинчи толиб

(*Унинг қўлидан тутиб*)

Йўқ, бироз ўтириңг ҳозир улар ҳам

Қайтиб киришади, ўтириңг, жоним.

(*Қизни зўрлаб ўтқазади*)

Биринчи толиба қиз

(*асабийлашиб*)

Ўтирдим, сўзлашг-чи гапингиз бўлса,

Иккинчи толиб

Билмасиз қанчалар севинимни сиз
Бот бот тунларимга кирасиз тунлар.
Куидуз бир дақиқа учратмай танҳо
Изҳор этолмасдим муҳаббатимни.
Шоир билан кўрган чоғларим эса
Ениб кул бўларди ўтли юрагим.
Тугилган куним ҳам,
бу зиёфат ҳам,
Ҳаммаси сиз учун қилингани фақат.
Гулрухсорингизга тўйишим учун.
О, бу дам атайлаб қилингани фурсат
Сиз билан кечсайди мана шу туним
Розиман дунёни беришга, жоним!

(*Қизни қучоқлаб ўпмоқчи бўлади*)

Биринчи толиба қиз

(*уни итариб ташлаб*)

Йуқолгин ҳей, ҳайвон,
Ким бор? ким бор? Ким?...

Иккинчи толиб

(*қизни қучоқлаб олмоқчи бўлади*)

Бақирманг, о жоним,
келинг бир қучай.

Биринчи толиба қиз

Мана сенга, мана...

(*Иккинчи толибинг юзига бир неча марта
шапати уради.*)

Иккинчи толиб

Ҳайт сени, энди...

(*Шу пайт эшик қаттиқ тақиллаб,
биринчи толибинг овози келади*)

Биринчи толиб

(*баланд овоз билан*)

Очинглар, очинглар! Ичкарида ким?

Биринчи толиба қизининг йигисини эшитиб, эшикни қаттиқ куч билан тепиб, ичкарига отилади. Иккинчи талаба овоздап довдираф, деразадан ўзини ташқарига — тун қўйнига отади)

Биринчи толиб

(*асабийлашиб*)

Қани у, қани у, ҳозир меш, ҳозир...

(*Деразадан ўзини отмоқчи бўлади, биринчи толиба қиз тутиб қолади*)

Биринчи толиба қиз

(*йиглаб*)

Эҳ, у, қора бағр,
эҳ, қора ният.

Йуқ, йуқ, етолмади ниятига у...

1979 й.

МУНДАРІСКА

«Үтди қипининг ачық күнлары»	3
«Кече...»	4
«Ош мунда нарасы?»	4
1 маюй, 1992 йыл	4
Иллюстрация	5
«Мен құшмамаңы»	6
Түнгі төвушіләр	6
Болаликпінг бедор төвушлари (туркүм)	7
«Болалиғим кечган күча...»	7
«Букуп...»	7
«Тұвалири...»	7
«Түшимдә бир құшчани...»	8
Рамазон	8
«Гүнроқты құчнаның...»	9
«Қыннапқыда, кексаю ёнилар йигілиб»	10
Қорабайир	11
Оқтой ҳақыда баллада	12
Бола, аскар, келинчак ҳақыда ҳикоя	13
Беркинмақоқ	15
Ватан	16
Құва	16
«Бир күн бағрынгизга...»	17
«Майсазор суқмоқдан бораман ёниб»	17
Күннинг умри	18
«Түкилғанда ойдан ёғдулар»	20
Теримчи қызлар	21
«Әй үфқларға тутапи...»	22
«Әй белопён...»	22
«Ота, Слизнинг қамотингиздә...»	23
Укамдан хат	24
Уруш	25
«Улқап боглинг...»	25
Мен түгилған қипилоқ ва угай она ҳақыда ишер	26
Опам қабридаги майсалар	28
Отам вафоти	30
Отам қабри қошилд	30

ТУРСУН АЛИ

«Бизни адаштираар...»	.
Раскольников	.
Үйгөниш	.
«Тийрак күзларымда яниял майсалар»	.
Куз сувратлары	.
Қари дараҳтлар	.
«Кечә қовоқ очмаган осмон»	.
«Само сукупатиниг дарёсида»	.
«Кимнингдир олдида юрмасман	.
Юрагимдаги ёзувлар	.
«Буронлар баридан»	.
Оқиб бораётган болакай	.
Трамвайдаги сұхбатлар	.
«Үглим, ҳали сен жуда ёңсан»	.
«Деразадап тикпламаш жим»	.
«Уч күп булди»	.
Позим Хикмат	.
Әркүплик	.
«Түн күксини нимта-нимталаб»	.
Үйгоқ кечалар	.
Шеърият	.
Сайр	.
Варрак	.
«Олдузлар чарақлар...»	.
«Юрак, сен-ла кетяцмиз»	.
«Бешинчи қаватдаги»	.
«Шаҳло кузли юлдузларни мен»	.
Құшчанинг саслари (<i>turkum</i>)	.
«Ойнинг ўп бениң қоронғи..»	.
Хаяжониниг сувратлари	.
Юрагимга чүккан тун	.
«Түн яirimдан оғган»	.
Паризод (<i>turkum</i>)	.
Софинч ташбиҳлари	.
«Қаноти қайрилган қүшіча мисоли»	.
Висол ҳақида икки шеър	.
Учинчі хона (драматик дөстон)	.

Ўз 2
А 49

Али, Турсун.

Түн Товуши: (Шеърлар ва драматик достон). — Т.: Чўлпон, 1993. — 96 б.

Али, Турсун. Ночной голос: Стихи и драматическая поэма.

На узбекском языке

Турсун Али (Урмонов)

ПОЧНЫЕ ГОЛОСА

(Стихи, драматическая поэма)

Техник мұхаррир Е. Толочко

Рассом О. Муинов

Расмлар мұхаррири У. Солиқов

Мусаққиң Ш. Соатова

ИБ № 0480

Босмахонага берилди 09.04.93. Босишга ружсат этилди 09.06.93.
Бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма қоғози. Шартли босма табоқ 5,04.
Шартли бүекли босмада нашар ҳажми 5,46. Нашриёт табоқ
хисоби 3,4 15000 нусхада. Шартнома № 15—93. Буюртма № 119.
Баҳоси шартнома асосида.

«Чўлпон» нашриёти, 700129, Навоий кўчаси, 30,

Узбекистон Республикаси Матбуот Давлат қўмитаси ҳузуридаги
Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнус-
обод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.